Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

# БУЮК ЎЗГАРИШЛАР САРЧАШМАСИ

Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг, таъбир жоиз бўлса, истиқлол йилларида яхши ниятлар билан эккан ниҳолларимиз мева бера бошлаганига – кенг кўламли ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурлар ижобий самаралар бераётганига гувоҳ бўласиз. Диёримизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганидан кўзингиз қувонади. Йилдан-йилга кўлами ва миқёси кенгайиб бораётган, одамларнинг оғирини енгил қилишга, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бу ишлар истиқлол берган имкониятларнинг амалий ифодаси эканини дилдан ҳис этасиз.

Давлатимиз раҳбари, ўтмишини унутмаган, айни вақтда келажаги ҳақида ғамхўрлик қиладиган халқ ўз мақсадларига албатта эришади, деган ҳақиқатни кўп такрорлайди. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурлари асосида юзлаб мактаб, лицей ва коллежлар қурилгани, реконструкция ва таъмирдан чиқарилгани, замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлари билан таъминланганини, болалар спорти мажмуа ва иншоотлари барпо этилгани ва бу узоқни кўзлаб қилинаётган ишлар изчил давом эттирилаётгани ана шу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан ёшларимиз билим чўққиларини қунт билан эгалламоқда, ҳунар ўрганмоқда, Ватаннинг эртанги тақдирини ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етмоқда. Кўплаб ўғил-қизларимиз халқаро фан олимпиадаларида, дунё миқёсидаги спорт мусобақаларида, санъат бўйича ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш этиб, қўлга киритган улкан ғалабалари билан Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёда тараннум этмоқдалар.

Мамлакатимизда 2008 йил Ёшлар йили, деб эълон қилиниши муносабати билан навқирон авлод манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, нафақат марказ, балки чекка-чекка қишлоқ жойларда яшаётган иқтидор эгаларини ҳам излаб топиш ва рағбатлантириш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасидаги ишлар қамрови янада кенгаймоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган, олижаноб мақсад – "Соғлом зурриёд-соғлом фарзанд-соғлом авлод" концепциясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутадиган "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1,5 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу борада бажариладиган ишлар кўлами нечоғли улкан эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Энг муҳими, мустақиллик туфайли қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижалар ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги ва янада юксак марралар сари илҳомлантирмоқда. Истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган беқиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадрли эканини яна бир карра намоён этмоқда, яқинлашиб келаётган умумхалқ байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Мустақиллик – халқимизнинг асрий орзуси эди. Мустақиллик халқимизнинг кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган буюк тарихий ютуғидир. Истиқлол халқимиз учун ўз тақдирини ўз қўлига олиш, қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини бергани, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб келаётгани билан қадрлидир. Шу маънода, мустақиллик йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этади.

Буларнинг барчаси, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзининг озод ва обод диёри билан фахрланиш ҳиссини, Ватанга муҳаббат туйғуларини юксалтиради. Бу туйғу истиқлол айёми арафасида бўлиб ўтадиган маданий-маърифий тадбирларда, шукуҳли байрам шодиёналарида янада ёрқин тарзда намоён бўлади.

**Аҳмад ХЎЖА,**
**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Болалар ёзи – 2008



# МИРИҚИБ ДАМ ОЛИШЯПТИ

**Шу кунларда сўлим тоғ бағриларидаги ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда болакайларнинг шўх-шодон кулгулари янграй бошлади. Ёзги таътилга чиққан ўқувчилар соя-салқин боғларда дам олишяпти.**

Янгийўл шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби қошида ҳам болалар "Камалак" ёзги оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда биринчи мавсумда 50 ўқувчи дам олаяпти. "Юлдузча" ва "Қуёшча" гуруҳларида болалар ҳар кунни кўнгилли ўтказишмоқда.

— Оромгоҳда фарзандларимизнинг маънавий-жисмоний камолоти учун хизмат қилувчи барча шароитлар яратилди, — дейди мактаб директори Моҳидил Эргашева. — Болалар китобхонлик кечалари, бошқа маданий тадбирларда, турли спорт машғулотларида қатнашиб, мароқли ҳордиқ чиқаришаяпти.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**СУРАТДА:** "Камалак" ёзги соғломлаштириш оромгоҳида болалар мириқиб дам оляптилар.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

01 огоҳлантиради

# ТАЪТИЛДА ҲАМ НАЗОРАТДА

**Мана, болаларнинг орзиқиб кутган ёзги таътили бошланди. Уни кўпчилик соғломлаштириш масканларида, дам олиш оромгоҳларида яна айримлари уйда ўтказишади.**

Ёзнинг айни жазирама, иссиқ кунлари, ўт-ўланлар қовжираган пайт. Озгина эътиборсизлик қилиб ташланган гугурт, ёки сигарет қолдиғидан ҳам ёнғин чиқиш эҳтимоли бор. Афсуски, кейинги пайтларда қуруқ хашак йўл чеккасида, хонадон деворлари ёнида, уй чордоқхоналарида сақланиши ёнғин чиқишига олиб келмоқда.

Бундай эҳтиётсизлик кимларгадир кулфат келтириши мумкинлигини эса, ҳеч ким хаёлига келтирмайди. Ёзги таътилда кўчада юрган болалар олов ўйнамайди, деб ким кафолат бера олади? Шундай экан, уларни таътил даврида ҳам эътибордан қочириш керак эмас.

Шу йилнинг биринчи чорагида 530 та ёнғин чиқиб, шундан 17 таси оталар эътиборсизлиги оқибатида болалар сабабли содир бўлди.

Жумладан, Олмалиқ шаҳар, А. Темур кўчаси 78-уйнинг 20-хонадонида яшовчи 6 ёшли В. Симкованинг гугурт ўйнаши оқибатида ёнғин юз берган.

Шунингдек, Янгийўл тумани, Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғини, Деҳқонобод маҳалласида яшовчи 9 яшар Б. Давлатов гугурт ўйнаб, бостирма томи ҳамда 3 тонна хашакни ёқиб юборди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Халқимизда, «Бола азиз, одоби ундан азиз», деган ҳикматли ибора бор. Болаларимизга олов билан ўйнаш нечоғлик хатарли эканлигини уқтириб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан таништириб, энг муҳими, қаровсиз қолдирмай, эҳтиёткор бўлсаккина мудҳиш воқеаларнинг олди олинади.

**Барно СОДИҚОВА,**
**вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси нозири.***

# КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда санъаткорлар, ёш ижрочилар, бастакорлар, мусиқашунослар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ёшлар ўртасида эстрада санъатига қизиқиш тобора ортиб бормоқда, янги ижодий гуруҳлар ва хонандалар саҳнага чиқмоқда. Шу билан бирга, эстрада санъати маданияти, ижодкорларнинг профессионал малакасини ошириш, улар томонидан муаллифлик ҳуқуқига риоя этилиши борасидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

# ДИҚҚАТ, ИЖОДИЙ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида **"Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

**Танлов шартлари:**

– танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади;

– танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим;

– тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак;

– фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади;

– ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танлов 2008 йилнинг 10 декабрида якунланади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

**Танлов ғолибларига мукофотлар:**

1-ўрин (1 та)
2-ўрин (2 та)
3-ўрин (3 та)

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2008 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Тел/факс: 244-12-51, 244-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

**Ташкилий қўмита.**

# САВДО БЕЛГИСИ ЎЗГАРДИ

**Ўзбекистондаги етакчи уяли алоқа операторларидан бири ҳисобланган "COSCOM" компанияси 12 йилдан буён хизмат кўрсатиб келмоқда. Корхона фаолиятининг асосий йўналиши GSM 900-1800 стандартидаги замонавий уяли алоқа тизимини ривожлантиришдан иборат. 2008 йил апрель ойида алоқа компаниясининг мижозлари 1 миллиондан ошди.**

Ucell

Яқинда компания ўз савдо белгисини тўлиқ қайта ишга туширди. Унга кўра, шу йилнинг июнь ойидан бошлаб, компания "Ucell" бренди остида ўз хизматларини тақдим этади. Савдо белгисининг бозорга чиқиши кенг миқёсли маркетинг компанияси билан ҳамоҳангликда олиб борилади.

– Шу вақтдан эътиборан барча хизматларимиз янги "Ucell" савдо белгиси остида тақдим этилади. Компаниянинг янги эгалари билан келишилган ҳолда шунга қарор қилинди. Брендни "Ucell"га ўзгартириш билан биз ўзимизни Ўзбекистонга тегишли эканимизни қайд этмоқчимиз. Бу билан яна шуни кўрсатмоқчи эдикки, энди "COSCOM" жаҳон даражасидаги телекоммуникация компаниялари катта "оиласи"нинг бир қисми ҳисобланади, – дейди "COSCOM" компанияси бош директори Огуз Мемигювен. – Европа инвесторига тегишли эканлигига қарамай, "COSCOM" "Ucell" савдо белгиси остида доимо Ўзбекистон учун маҳаллий компания бўлиб қолаверади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

Мустақиллик иншоотлари

# ШАХСИЙ САРМОЯ ҲИСОБИГА

**Ангрен буюм бозоридаги янги "Савдо мажмуаси"нинг биринчи навбати – 204 та савдо шахобчаси, 300 та растадан иборат 10 та савдо павильони аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар ҳокимининг "Савдо мажмуаси қурилишига ер майдони ажратиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ режалаштирилган мазкур савдо мажмуасини тадбиркор Баҳром Махмадалиев бунёд этди. Ушбу ҳаракат натижасида 2 гектар тошлоқ майдон ўзлаштирилиб, Чикризов кўчасининг қуйи ҳудуди янада обод ва кўркам бўлди.**

– "Андижонфуқаролойиҳа" масъулияти чекланган жамияти меъморчиликнинг янги андозалари асосида лойиҳалаштирган бозор таркибида "Саноатқурилишбанк"нинг кичик шахобчаси, шунингдек, солиқ ва милиция таянч пунктлари иши ҳам йўлга қўйилган, – дейди савдо мажмуаси раҳбари Йўлдошхон Хўжаев. – Бу аввало, шу ерда фаолият юритувчи тадбиркорлар учун яратилган энг зарур қулайликлар. Булардан ташқари 120 ўринга мўлжалланган ошхона хўрандаларга хизмат кўрсатаяпти.

Шу ўринда айтиш жоиз, бунёд этилган иншоотни электрлаштириш, сув билан таъминлаш, ободонлаштириш ва бошқа шароитларни яратишда шаҳар ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотларнинг ёрдами катта бўлди.

Айни кунларда бозорнинг иккинчи навбати қуриб битказиляпти. Шу йўсинда яна 2 гектар майдонда 288 та савдо шахобчаси бунёд этилади. Хуллас, бозор ҳудудида буюм савдосига ихтисослашган павильонлардан ташқари яқин келажакда озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлари ҳам фаолият бошлайди. Қурилиш ишлари шу вазифалар асосида давом этаяпти.

Бозорни айланган киши, аввало, ўз харидидан, қолаверса, бу ердаги қулайликлардан, саранжом-саришталикдан кўнгли тўлади. Савдо қилаётганларнинг қулай шарт-шароитлардан мамнунлигини айтмайсизми...

– Бозор маъмурияти ҳомийлиги билан захирадаги товарларни сақлаш камераларидан бепул фойдаланаяпмиз, – дейди тадбиркор Дилбар Пўлатова. – Муҳими, биз, сотувчилар энг замонавий ва шинам иш жойига эга бўлдик. Олдингидек, эгалланган жой учун паттачи пул йиғиб юрмайди. Эндиликда барча тўловлар бозор ичида ташкил этилган банк шахобчаси орқали амалга ошириляпти.

– Ҳақиқатан ҳам илгариги буюм бозорида бундай шароитлар йўқ эди, – дейди тадбиркор Таисия Пак. – Ёмғир ва қор остида товарларимизнинг сифати бузиларди. Чодир остида савдо қилаётганларнинг аҳволи бундан ҳам мушкул эди. Харидорлар-чи, ёзда чангдан, қиш бўйи эса оёқ остидаги муздан ўзларини эҳтиёт қилишдан чарчашарди.

– Фурсатдан фойдаланиб, барча қулайликларга эга замонавий савдо мажмуасини барпо этган сармоядорлардан, қолаверса, мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланишига кенг имкониятлар очаётган ҳукуматимиздан миннатдормиз, – дея сўзини якунлади Й. Хўжаев. – Биз бу ғамхўрликларга жавобан аҳоли учун замонавий савдо дўконларини қуриш ва кўрсатилаётган савдо хизмати маданиятини янада юксалтиришга ҳаракат қиламиз. Зеро, бозори тўкин юрт обод ва фаровондир.








**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** "Савдо мажмуаси" доим гавжум.

**Светлана ИВАНОВА олган суратлар.**

Фармон ва ижро

# БАНК МИЖОЗ ХИЗМАТИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда амал қилаётган "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган ягона тамойилнинг амалдаги ифодаси бўлди дейиш мумкин.**

Фармон аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва бўш пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишга қаратилганлиги учун ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"нинг Бекобод филиали жамоаси Фармон ижросини таъминлаш борасида кўламли ишларни амалга ошираётир. Айниқса, жисмоний шахслар учун жорий этилган 20 дан ортиқ муддатли омонат турларига бўлган талаб ва қизиқишлар тобора ортиб бормоқда. Чунончи, "Саломатлик", "Нафақа-мададкор", "Ишонч", "Люкс", "Кафолат", "Диёр", "Барҳаёт", "Навбаҳор", "Маржон", "Беғубор" ва бошқа фоизли омонатларга ўз маблағларини қўювчи мижозларнинг кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир.

Банк жамоаси "Ёшлар йили" Давлат дастури талабларини бажариш борасида ҳам амалий ишларга қўл урган. Ёш оилаларни зарур кредитлар билан таъминлаш мақсадида 5 та оилага 7 миллион сўм миқдорида истеъмол кредити, иккита оилага 28 миллион сўм ипотека кредити ва яна иккита оилага 22 миллион сўм микрокредит берилди. Бундан ташқари 9 та кам таъминланган оилаларга чорва моллари сотиб олишлари учун 15 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Банк ва мижоз дастури доирасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тадбиркор аёлларнинг иш фаолиятини ривожлантириш учун 28 миллион сўм, сервис хизмати кўрсатиш соҳасига 15 миллион сўм, фермер хўжаликларининг сигир сотиб олиши учун 6 миллион сўм, инвестиция мақсадларига 165 миллион сўм ҳамда аҳолининг полиз экинлари етиштириши учун 3 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилганлиги шундан далолатдир.

– Банк тасарруфида "Money Gram" халқаро пул ўтказмаси доимо мижозларимиз хизматида, – дейди филиал бошқарувчиси Анвар Мирзакаримов. – Бу аҳолининг узоққа бориб юрмай, шу ернинг ўзида бемалол халқаро пул ўтказмалари хизматидан фойдаланиш имконини яратаётир.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

# «БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ!»

**Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом ёшлар" лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди. У Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда бир қатор жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.**

"Ёшлар йили" Давлат дастурида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик сингари хавфли иллатлардан огоҳ этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, болалар спортини ривожлантириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ижтимоий тадбирдан кўзланган асосий мақсад 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни турли семинарлар, машғулотлар, спорт турнирларида фаол иштирокини таъминлаш орқали соғлом турмушга жалб этишдан иборатдир.

"Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз!" мавзуида бошланган мазкур тадбирда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган турли ижодий танловлар, болалар плакатлари кўриклари, концертлар, театрлаштирилган томошалар, интерфаол тарғибот машғулотлари, викториналар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Молия тизими

**Мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва такомиллаштириш давр талабига айланиб қолди. Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти тизимининг молиявий механизми бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари бўш маблағларининг айланишига кенг имкониятлар яратади. Жумладан, қимматли қоғоз эгалари, у фуқаро ёки юридик шахс бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлар ҳаракатига тааллуқли шахсдир.**

# ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори модели тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш республика иқтисодий ривожланиш стратегиясининг узвий қисмидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар пулдан фарқли ўлароқ ўз хусусиятларига эга. Қимматли қоғозлар бозорининг энг муҳим томонларидан бири шуки, у юқори даромад келтирадиган иқтисодий фаоллиги билан шаклланиб боради. Қимматли қоғозлар бозори сармояларнинг сафарбар этилишини рағбатлантириб, вақтинча бўш турган пул маблағларининг иқтисодиётдаги турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимланишини, тақсимланганида ҳам ривожланиб бораётган истиқболли тармоқлар фойдасига қайта тақсимланишини таъминлайди. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирадиган кучли манба ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисмидир. Унинг асосини товарлар бозори, пул ва пул капитали ташкил қилади.

Қимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаси бўлган юридик ва жисмоний шахслар фонд биржаси муассасалари бўлишлари мумкин. Биржада брокерлик жойини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижлик юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасининг аъзолари ҳисобланади. Фонд биржаси аъзолари сонини бошқарув органлари тартибга солиб туради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура, суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мутахассислари фонд биржаси аъзолари бўлишга ҳақли эмаслар.

Фонд биржаси аъзолари қимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш учун рухсатномаларга эга бўлган ҳамда инвестиция иститути мақомини олган тақдирдагина қимматли қоғозлар билан бўладиган олди-сотдида иштирок этадилар. Биржадан расмий брокерлик ўрнини сотиб олган ва қимматли қоғозлар билан муомалани амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус малака шаҳодатномасини (аттестатини) олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказганидан ва банкда ҳисоб-китоб рақамини очганидан кейингина қимматли қоғозлар билан савдо-сотиққа қўйилиши мумкин.

**Лазизжон ВОҲИДОВ,**
**ТДИУ талабаси.**

Сиҳатгоҳларда

# «ТОВОҚСОЙ»ГА БИР КЕЛИНГ

**Шу кунларда меҳнат фахрийлари ва нуронийларнинг "Товоқсой" сиҳатгоҳи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан келиб, бу ерда соғликларини тиклаб, дам олаётган қариялар шифокор ва ҳамшираларга миннатдорлик изҳор этишдан чарчашмайди.**

– Ҳозирги пайтга келиб, сиҳатгоҳимизда бир йўла 400 киши дам олдирилиб, соғломлаштирилиши мумкин, – дейди сиҳатгоҳ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Нурали Йўлдошев. – Ўтган йили 8360 кишига хизмат кўрсатилган бўлса, бу йилнинг дастлабки чорагида 3 мингдан кўпроқ меҳнат фахрийси йўлланма билан келиб, дам олди.

Бу ерда асаб, юрак, қон-томир ва суяк-бўғин хасталикларига чалинган кексалар муолажа олиб, дардларидан фориғ бўлиб кетишаяпти. Физиотерапевт Салима Рисметова, кардиолог Маҳсума Ғуломова, терапевт Рисбой Умаров сингари юқори малакали шифокорлар, Дилрабо Тўйчиева, Мунира Саидалиева, Ҳилола Қулумова, Гавҳар Қурбонова сингари ҳамширалардан даволанувчилар, айниқса, мамнун бўлишаётир.

– Мен "Товоқсой"да дардимга шифо топиб, кўнгилли дам олдим, – дейди Қашқадарё вилоятининг Касби туманидан келиб соғлигини тиклаётган Ҳасан Юсупов. – Айниқса, Шоира қизимга балли. Барча муолажаларни вақтида, ниҳоятда малакали бажаради. Боз устига, ширинсўзлигини айтмайсизми? Сиҳатгоҳда дам олиб, даволанувчи биздек мўйсафидлар учун яхши шароитлар яратилган.

– Ҳамшира қизимиз Зебо Тўраевага минг раҳмат, – дейди Навбаҳор туманидан келиб даволанаётган Хўжам Раҳмонов. – Отасига балли!



Сиҳатгоҳда спорт мажмуаси барпо этилаётганлиги нур устига аъло нур бўлди. Мини-футбол, баскетбол, волейбол майдончалари, югуриш йўлаги барпо этилаётир. Стол тенниси ўрнатилганлиги ишқибозларни ниҳоятда хурсанд қилди. Энди қариялар имкониятларига қараб, очиқ майдонларда спорт билан шуғулланишади.

Дам олувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этиш учун хилма-хил тадбирлар, адабиёт ва санъат кечалари уюштирилиб, таниқли қўшиқчилар билан учрашувлар ўтказилаётир. Табиат қўйнига, айниқса, Оқтош, Хумсон, Юсуфхона, Билдирсой томонларга саёҳатлар уларнинг хотираларида ўчмас из қолдирди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**СУРАТДА:** даволанувчилар тренажёр залида шуғулланишмоқда.

**Даврон АҲМАД**
**олган сурат.**

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган меъёрларга кундалик ҳаётимизда қатъий амал қилишимиз зарур. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларига оид меъёрлардан хабардор бўлиши ва уларни талаб қила олиши билан бирга, фуқаролик бурчларини ҳам бажариши лозим.**

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини такомиллаштиришга оид фармонида бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга бағишлаб ўтказилган семинар ушбу фармон ижросига бағишланди.

Адлия вазири ўринбосари, мазкур департамент директори З. Худойқулов бошқарган тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, мазкур департамент томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишлари изчил йўлга қўйилган. Ўтган йили оммавий ахборот воситалари орқали етти юздан ортиқ чиқиш қилинган бўлса, жорий йилда ушбу ишлар кўлами янада кенгайди.

Семинарда амалга оширилаётган самарали ишлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Умр мазмуни

# ДОВОН

– Умрим Қамчиқда ўтди, десам ишонаверинг. Бу тоғу тошлар, бу ўр-ўнгирлар мен учун ёстиқ ўрнини ҳам, кўрпа-кўрпача ўрнини ҳам босган, мен сизга айтсам. Мана шу Зикия билан турмуш қурган кезларимиз эди, ойлаб довонда қолиб кетардим...

Насифвали ота шундай деди-да, чой кўтариб кирган кампирига кулиб қараб қўйди. Сочлари оппоқ, лекин хушрўйгина Зикия она ҳам чойнакни дастурхонга қўяётиб:

– Ҳа, энди иш-ишлашиб, қўш-қўшлашиб ўтдида умр, – деди майин оҳангда.

Насифвали ота бир катта ўғли Асомхонга, бир кичиги Анвархонга нигоҳ ташлаб, кўзлари шуълаланди, кўкси бир кўтарилиб тушди.

– Биласизми, ҳаётда ҳар бир кишининг ўз довони бўлади, – деди оҳиста. – Отам раҳматли шундай деган эдилар. Ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Элликинчи йилларда ҳарбий хизматни ўтаб келган кезларим эди. Отам ҳам, онам ҳам назаримда бир яйраб олсин, дейишдими, обдон ўзимга қўйиб беришди. Бир пайт бундоқ ўйлаб кўрсам, ёр-дўстлар билан гап-гаштакда ҳафта-ўн кун ўтиб кетипти. Тизгинни қўлга олдим. Эрта билан нонушта устида:

– Ота, энди тамом, – дедим. – Иш топай, ўзимга лойиқ.

– Билардим яқин фурсатда шундай дейишингни! – Отам фикримни маъқуллади. – Мана, ҳарбийда яхшигина касб ҳам орттириб кепсан. Энди ҳамма гап жўяли бир ишнинг бошини тутишда.

Ўша суҳбат чоғи отам айтган ҳаёт довони мажозий фикр эди, лекин маъноси чуқур эди.

– Ўғлим, мана, Фарғона йўлини қуриш давом этаяпти, – деди отам суҳбатни якунлаб. – Йўл қурган асло кам бўлмайди. Дуо олади, яшнайди. Тўғри, тоғу-тошда меҳнат оғир. Шердил бўлсанг, ўзингни енгил ишга урмасанг, оғирни эгиб-босиб ўтсанг, ҳаётинг маъноли бўлади. Умрингдан тайинли бир из қолади, ҳалиги айтганим – ўз ҳаёт довонингни топишинг аниқ.

Отамнинг шу гаплари билан йўл қурилиш бошқармасига ишга кирдим. Янги машина беришди. Бу томонда Тошкент қурувчилари, тоғнинг у томонида фарғоналиклар зўр бериб ишладик. Қийинчилик ҳам, завқли онлар ҳам бўлди. Тоғ бағрини кўпориб, суриб, йўл очиб бордик. Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида эллик саккизинчи километрда йўлни туташтирдик.

Орада тўрт-беш йил ўтиб, юқоридаги йўл ҳам талабга жавоб бермай қолди. Чунки, катта, оғир юкли автомашиналар кўпайди. Шундан кейин иккинчи йўл қурилиши бошланди. Лекин "ҳақ учтагача" деганлари тўғри экан. Ҳақиқий Фарғона йўли мана, мустақиллик йилларида қурилди. Бахтим бор экан, Қамчиқ довонини учинчи марта ҳам забт этиш насиб қилди. Энди бу йўлларда юриб, роҳат қиласиз: кенг, равон, машинангиз қилт этмай боради.

Йўл қурилишларида эллик йил ишлаб, кўп шогирдларни оёққа қўйган эканман, ҳозир шуларнинг иш кўламини, сифатини кўриб, кўнглим қувнайди.

– Отам ўнлаб ёшларга ўз касбларини ўргатганлар, – суҳбатга қўшилди Асомхон. – Мана, Қўчқор Маҳкамов, Раимберди Бўрибоев бугун Қамчиқда маҳоратли йўлсозлар бўлиб етишишди. Бири муҳандис, 385-йўл бўлимига бошлиқ. Иккинчиси йўл устаси, участка бошлиғи бўлди. Менда ҳам ишлади.

– Отам мени ҳам, укам Анварни ҳам ўзларига эргаштириб, йўл қурилишига олиб борганлар. Ҳарбий хизматни ўтаб келгач, Тошкенга тушиб, институтда ўқимоқчи эдим. Отам юбормаганлар. "Сен йўлда ишлайсан" деганлар. Оддий йўл ишчиси бўлиб иш бошладим. Ишлаб юриб, ўқидим. Йўл устаси бўлдим. Кейин йўллардан фойдаланиш бошқармасига раҳбарлик қилаётган кезларим отам бориб, ишларимизни кузатиб турардилар-да: "Биз оддий, камқувват техникаларни бошқариб, мўъжизалар яратардик. Сенлар шундай машиналарда ишлаб, сусткашлик қиласанлар" деб тўполон қилардилар.

Барибир Политехника институтига кириб ўқидим. Мана, Анвархон ҳам Қўқон автойўл техникумини битирган. Автоколонна бошлиғи, механик бўлиб ишлади...

– Олинглар, асл тоғ асали, – деди Зикия она ликопчани дастурхонга қўяётиб.

Асомхон онасига меҳр билан боқди.

– Қуш тинса тинадики, онам тиним билмайдилар, – деб қўйди. – Эллик йилки, шаҳар касалхонасида лаборант бўлиб ишлайдилар. Қизим Дилфузани ҳам бағирларига олиб, тарбияладилар, лаборант бўлиб етишди, турмуш қурди. Укам иккимиз ниҳоятда бахтлимиз. Шундай ота-онамиз тарбияларини олдик.

– Олмани тагига олма, ўрикнинг тагига ўрик тушар экан, – деди Зикия она. – Ҳар иккисининг иси турлича. Айтмоқчиманки, менга келинлардан Худо берди. Каттаси Ғолибахон ҳам, кичиги Ойниса ўзларича бир олам. Отаси билан бизнинг мана шундай иззату ҳурматда юришимиз ана шулар туфайли. Набираларни-ку, қўяверасиз. Орасида шифокор бўламан дегани ҳам, ҳуқуқшунос бўламан дегани ҳам бор. Бир неварам – Руслан олтин саралаш фабрикасида хизматчи, боши осмонда. Синглиси Наргизахон шаҳар милициясида кадрлар билан шуғулланади.

Шундай ҳазил-мутоиба билан суҳбат чўзилиб кетди. Мен оила аъзоларига бир-бир разм солиб ўтирар эканман, ҳалиги – ҳаёт довони ҳақидаги ҳикмат хаёлимдан кетмасди. Бу хонадон соҳиблари бир умр меҳнат қилиб, одамларнинг йўлини равон қилишга интилиб яшаган, чиндан ҳам ўз довонларига кўтарилган кишилар эканлигига имоним комил эди. Ҳали Насифвали ота: "Бахтлиманки, шундай дориломон кунларга ҳам етиб келдим, Қамчиқ довонидан ўтган учинчи – ҳозирги йўлни, тоғ қаърини тешиб ўтган ғовак йўлни қуришда ҳам қатнашдим" деганида, Ангрен шаҳар ҳокимлигининг ходими Дониёр Зокиров бир гап айтиб қолди:

– Қамчиқ довонидан ҳали Фарғонага поезд ҳам ўтказамиз. Худо хоҳласа, темир йўл қурилишида ҳам қатнашасиз, ота. Тоғ қаърини тешиб, 19 километрли темирйўл тоннелини ўтказиш режалаштириляпти. Ёнма-ён газўтказгич ҳам барпо этилади. Ангренга кўп газ келади. Корхоналар яна жонланади. Корейслар келиб-кетди. Ҳамкорлик бошланаяпти. Яқин фурсатда "Резинотехника" тикланади. Кейин керамика корхонаси ҳам ишга тушади. Ангренимиз яна ҳам обод бўлиб кетади.

– Шундай бўлсин, илойим, – деб қўйди Насифвали ота кўзлари чақнаб. – Бу режалар рўёбга чиқишига имоним комил. Мустақиллигимиз бунга имкон яратаяпти.

Асомхон ҳам, Анвархон ҳам кулиб, ўнг қўлларини кўксиларига қўйишди, оталарига ним таъзим қилишди. Бу ҳазил-мутоибани кузатиб ўтириб, ҳаётда ўз довонларига кўтарилган, Қамчиқни эса, қайта-қайта эгаллаган бу ота-болаларга чинакамига ҳавас қилдим.



**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

**СУРАТДА:** ангренлик йўлсоз Ҳожихоновлар хонадонида.

**Еркебой БОТИРОВ**
**олган сурат.**

# ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

**Пойтахтда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) ходимлари ўртасида ўтказилган "Энг яхши фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш ходими" кўрик-танловининг якуний республика босқичи ўтказилди.**

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш ходимлари зукколик шарти орқали меъёрий қонун ҳужжатларини қай даражада билишларини намойиш этишди. Бешта шарт бўйича қатнашчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан беш баллик тизимда баҳоланди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

ХХI аср ва дунё

## МАЖМУАЛАР ИШГА ТУШСА...

**Ҳиндистон ҳукумати 2018 йилгача мамлакатда ахборот технологиялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қирқдан зиёд мажмуа қуриш ниятида.**

Маълумотларга кўра, ҳар бир мажмуанинг майдони беш юз гектардан ошади. Уларда идора ва turaржой бинолари, цехлар, савдо марказлари, шифохоналар, мактаб ва дам олиш масканлари барпо этиш режалаштирилган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, "саноат шаҳарчалари"да жами 3,5 миллионга яқин янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

## САРАГОСА КЎРГАЗМАСИДА

**Испаниянинг Сарагоса шаҳрида "Экспо – 2008" халқаро ихтисослашган кўргазма очилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

"Сув ва барқарор ривожланиш" мавзуида ўтказилаётган ушбу кўргазмада юздан зиёд мамлакатдан кўплаб компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Унда сувдаги ҳайвонот ва наботот дунёсини ўз ичига олган аквариумлар, сунъий сув ҳавзалари ва боғлар намойиш этилмоқда.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, кўргазмага олти миллиондан зиёд киши ташриф буюриши кутилмоқда. Тадбир доирасида кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган. Маълумотларга қараганда, кўргазмани ташкил этиш учун етти юз миллион евродан зиёд маблағ сарфланган.

## ОРОЛДА ЗИЛЗИЛА

**Япониянинг Хонсю оролида содир бўлган ер силкиниши оқибатида ўнга яқин киши ҳаётдан кўз юмди, икки юз элликдан зиёд одам оғир жароҳатланди ва ўнлаб одамлар бедарак йўқолди.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, зилзила кучи 4,4 баллни ташкил қилган. Кетма-кет ўнга яқин силкиниш юз берган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, зилзила оқибатида, айниқса, Иватэ ва Мияги туманларига катта зиён етган. Сув таъминоти тизими ишдан чиққан, электр тармоқлари узилган, кўприк ва йўллар вайрон бўлган. Айни вақтда аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда. Қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

**ЎзА.**

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 20.08.2007 йилдаги 11-0722/5022-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Хўжакент қ.ф.й., Архутсай ҳудудидаги, майдони 1,55 га бўлган, "Оқсоқ-ота" ИЧКга тегишли бўлган "Ётоқхона ва омборхона" бинолари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 25 180 291 сўм. **Аукцион савдоси 2008 йил 22 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

**II. Шунингдек, 2008 йил 8 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига** Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Янгийўл туман судининг 05.12.2007 йилдаги 780-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл тумани «Матлуботсавдо» МЧЖ омборида сақланаётган, "ГАЗ-66" русумли, д/р Х837НАМ, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 072 000 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй.

Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

